# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2013 йил 2 апрель, № 62 (5736) Сешанба


# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

Шу йил 1 апрель куни халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.



Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти ҳосилдор тупроғи, бой минерал хом ашё манбалари, етарли сув захиралари билан алоҳида ажралиб туришини, гўзал табиати, хушманзара масканлари билан ҳар қандай кишини ҳайратга солишини таъкидлади.

Вилоятнинг миришкор деҳқонлари ўзларининг пешона тери эвазига етиштираётган нознеъматлари билан наинки вилоят аҳолисини, айни чоғда азим пойтахтимиз аҳлини ҳам мева, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Тошкент вилоятида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи бўлмиш саноат юқори даражада ривожланган. Умуман олганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 9,6 фоизи, саноат маҳсулотларининг 12,4 фоизи, хизматларнинг 9,4 фоизи Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келиши унинг катта ишлаб чиқариш салоҳиятига эга эканини тасдиқлайди, деди Юртбошимиз.

Воҳада ёқилғи-энергетика мажмуаси, кимё, нефть-кимё, қурилиш индустрияси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бунга мисол қилиб АҚШнинг машҳур «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган замонавий заводни, Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарларидаги йирик саноат мажмуаларини келтириш мумкин.

Президентимиз Тошкент вилоятида турли соҳаларда қўлга киритилган ютуқларни қайд этган ҳолда, мавжуд камчиликларни таъкидлаб, галдаги устувор вазифаларга алоҳида тўхталди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Р. Холматов Тошкент вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, Андижон вилояти ҳокими лавозимида ишлаб келаётган Аҳмад Тугилович Усмонов Тошкент вилояти ҳокими этиб сайланди.

Сессияда "Нуроний" жамғармаси Чиноз тумани бўлими раиси Мираҳмад Давронов, Бўка туманидаги "Мустақил Ўзбекистон" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмон Саидов, Тошкентдаги Турин политехника университети талабаси Олимжон Тўйчиев, Пскент туманидаги 1-умумтаълим мактаби директори Марҳабо Қурбонова сўзга чиқиб, Президентимиз нутқида Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганини, вилоят аҳли билдирилган фикрлардан зарур хулосалар чиқариб, ислоҳотлар самарасини юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилади, деб таъкидлади.

**(ЎзА).**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### А. Т. Усмоновни Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Аҳмад Тугилович Усмонов** Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Андижон вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 1 апрель

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Р. Қ. Холматовни Тошкент вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига мувофиқ:

**Рустам Қурбонназарович Холматов** Тошкент вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2013 йил 1 апрель

ЯРМАРКА

*Урганч шаҳрида ўтказилган анъанавий вилоят ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 181 корхона 400 турдан ортиқ маҳсулотларини намойиш қилди.*

## Ҳудудий маҳсулотлар кўргазмаси

Улар орасида пойабзал, гигиеник воситалар, сув фильтрлари, коррозияга қарши универсал қоплама, автомашиналар учун эҳтиёт қисмлар, спорт инвентарлари, қурилиш материаллари каби Маҳаллийлаштириш дастури асосида ишлаб чиқарилаётган ҳамда янгидан ўзлаштирилган 22 турдаги маҳсулотлар мавжуд.

Шунингдек, ярмаркада Урганч давлат университети олимлари ҳам ўз инновацион лойиҳа ва ишланмаларини тақдим этишди.

Икки кун давом этган мазкур кўргазмада ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида умумий қиймати 7,5 миллиард сўмликдан зиёд 400 дан ортиқ шартнома имзоланди, экспорт бўйича эса 2,7 миллион АҚШ доллари миқдорида шартномалар тузилди.

(Давоми 2-бетда).

## ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Мамлакатимиз парламенти давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини амалга оширган ҳолда, ўз қонун ижодкорлиги фаолиятининг услублари ва сифатини тобора такомиллаштирмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси миллий ҳуқуқий амалиёт учун янги услуб — ҳуқуқий тажриба ўтказишни жорий этиш ташаббусини илгари сурди. Парламент аъзоларининг ушбу ташаббуси Президентимиз Ислом Каримов томонидан қўллаб-қувватланди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ишлаб чиқилган лойиҳасини такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказиш тартиби ҳамда шартларини белгилаб берган Фармойиши қабул қилинди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мазкур ҳуқуқий тажрибани ўтказиш бўйича ишчи комиссиянинг ташкилий мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда мазкур ишчи комиссия аъзолари — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари қатнашди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери, ишчи комиссия раиси Д. Тошмуҳамедова бошқарди.

Ишчи комиссия зиммасига юкланган вазифаларга биноан, 2013 йил давомида Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ўтказиладиган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажрибани ташкилий таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисда мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш давомида халқаро стандартларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилгани ва у Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган сўз эркинлиги ҳамда фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлаши таъкидланди. Хусусан, Асосий Қонунимизнинг 30-моддасида барча давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Бу қоида ва принциплар қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда ахборот соҳасини жадал ва эркин ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий-техник шароитлар яратилган. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, ахборот эркинлигини таъминламасдан бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Ахборот соҳасини демократия асосида ривожлантириш Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан изчил тараққий топтириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари муҳокама қилинди. Шу билан бирга, сенаторлар Конституциямизда белгилаб қўйилган мутлақ ваколатлари доирасида бир қатор идораларнинг ҳисоботларини эшитишди.*

## Аҳоли фаровонлигини юксалтириш — устувор мақсад

*"Халқ сўзи" мухбирлари билан мулоқотда бўлган сенаторлар парламент юқори палатасида кўриб чиқилган масалаларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратдилар.*

**Абдумавлон МАҲМУДОВ, Сардоба туманидаги "Барака" фермер хўжалиги раҳбари, сенатор:**

— Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар ўз мазмун-моҳияти ва долзарблиги нуқтаи назаридан жуда муҳимдир. Маълумки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида юртимиз ҳаётини янгилаш ва эркинлаштиришга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилган эди. Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан муҳокама этилган ва маъқулланган янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам айнан шу қонунчилик ташаббусларининг амалдаги рўёби бўлди. Мазкур қонунлар маҳаллани аҳоли қизиқишлари ва манфаатларини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлод маънавиятини юксалтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, айниқса, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, касаначиликни ривожлантириш, жойларда жамоатчилик назоратини ўрнатишда муҳим фуқаролик жамияти институтига айлантиришга хизмат қилади.

**Светлана ОРТИҚОВА, Сенатнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:**

— Парламент юқори палатаси ялпи мажлисида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган амалдаги қонунчиликка риоя этилиши аҳволи ва бу борадаги прокурор назоратини янада кучайтириш чоралари ҳақидаги ҳисоботини эшитишди.

(Давоми 2-бетда).

ФОРУМ

## Кенг имтиёз ва ишончли меҳнат муҳофазаси

бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг муҳим кўрсаткичидир

*Юртимизда касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жорий йилдан бошлаб уларда аъзолик бадалларининг 60 фоизини, ижтимоий объектлари мавжуд корхона, ташкилотлар касаба уюшма қўмиталарида 70-80 фоизгача қолдириш тизими жорий этилди.*

Бу маблағнинг 10 фоизгача бўлган қисми ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлиги йўлида сарфланади. Айни чоғда касаба уюшма аъзолари, аввалгидек, 5 йилда эмас, балки ҳар 2 йилда бир марта касаба уюшмалари тизимидаги санаторийга имтиёзли йўлланма олиш имкониятига эга бўлдилар. Йўлланма нархининг ходим тўлайдиган миқдори ҳам камайтирилди. Эндиликда касаба уюшма бюджети ҳисобидан ажратилган йўлланмалардан меҳнаткашларнинг яқин қариндошлари, яъни ота-онаси, турмуш ўртоғи ёки фарзандлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

(Давоми 2-бетда).

# ҲУҚУҚИЙ ТАЖРИБА ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ушбу соҳани янада эркинлаштириш ҳамда демократлаштириш мақсадида миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилган. Жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси илгари сурилган. Янги қонунда жамоатчиликни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш процедураси белгиланган, аҳоли, жамоат бирлашмаларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда қонуний манфаатларига таалluқли қарорлари тўғрисидаги ахборотдан янада кенг фойдаланишини таъминлаш кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижро ҳокимияти органларининг бу қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга, жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини, сўз ва сайлов эркинлигини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини тайёрлашда ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ўрганиб чиқилди, ахборот ҳуқуқи соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар тавсиялари инобатга олинди. Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси, хусусан, хорижлик экспертлар иштирокида кенг муҳокама этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилган қирқдан ортиқ конференция, семинар ва давра суҳбатлари якунлари бўйича мазкур қонун лойиҳасини такомиллаштиришга оид юзга яқин таклифлар умумлаштирилди.

Президентимизнинг мазкур қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказишга оид Фармойишининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги ҳуқуқий амалиётида ноёб тажриба бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган демократик туб ўзгаришларнинг мантиқий давомидир. У қонун лойиҳаси нормаларини янада такомиллаштириш, демократик принципларга асосланган янги ҳуқуқий ҳужжатларни синовдан ўтказиш услубини қонун ижодкорлиги фаолиятига кенг жорий этиш учун қўшимча имкониятлар очиб беради. Шуниси эътиборлики, мазкур услуб сўз ва ахборот эркинлиги, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш соҳасида илк бор қўлланилмоқда. Бу, шубҳасиз, фуқароларнинг ахборот олиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Ҳуқуқ амалиётига жорий этилаётган мазкур янги услуб Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги назарияси ва амалиётини тизимли такомиллаштириш жараёнидаги навбатдаги босқич, мамлакатимизда ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари мукаммаллигининг муҳим сифат кўрсаткичидир. Давлатимиз раҳбарининг ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тўғрисидаги мазкур Фармойиши ижросини таъминлаш жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг аҳоли, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда ОАВ билан янада кенг муносабатлар ўрнатишига кўмаклашади.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А. Жўрабоев, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов, Самарқанд вилояти ҳокими З. Мирзаев, Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсонов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов ва бошқалар буни алоҳида таъкидлади.

Ҳуқуқий тажрибанинг мазмун-моҳияти муайян вилоят, туман ҳамда шаҳар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг реал фаолиятида ушбу қонун лойиҳасини синовдан ўтказишдан иборат экани қайд этилди. Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат тузилмаларидан ташқари оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, уларнинг ишлари ҳақида ахборот олишдан манфаатдор юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳам мазкур тажрибанинг иштирокчилари ҳисобланади.

Ҳуқуқий тажриба қонун лойиҳасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқ-ошкоралигини янада тўлиқ таъминлаш, аҳолини мамлакатимизни демократик янгилаш ҳамда модернизация қилиш жараёнлари ҳақида хабардор қилишда фуқаролик институтлари, шу жумладан, ОАВнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган нормалари самарадорлигини амалда текшириб кўриш имконини беради. Бундан ташқари, тажриба давомида журналистлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини изчил ошириш мақсадида уни журналистларнинг ўзи тартибга солиши бўйича турли механизмлар ҳам синаб кўрилади.

Давлатимиз раҳбари фармойиши билан тасдиқланган ҳуқуқий тажрибани ўтказиш тартибига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўз фаолияти очиқлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлари қатъий белгиланган. Масалан, жисмоний ва юридик шахсларнинг расмий талаби у рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ошмайдиган муддатда, оммавий ахборот воситаларининг тажриба субъектлари фаолияти, унинг мансабдор шахслари билан интервью ташкил қилиш тўғрисидаги талаби эса етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилиши шарт. Бунда ахборот олиш талаблари ёзма, жумладан, электрон ҳамда оғзаки шаклда бўлиши ва бевосита, ахборот олишдан манфаатдор шахсларнинг ваколатли вакиллари орқали юборилиши ҳам мумкин. Буларнинг барчаси фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини янада кенгайтиради.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасини синаб кўриш вазифаларини комплекс равишда амалга оширишга қаратилган чоралар ҳам белгиланди. Жамоатчилик, фуқаролик жамияти институтларини тажрибанинг бориши, жисмоний ва юридик шахслар учун ахборот олишнинг янги имкониятлари ҳақида кенг хабардор қилиш шулар жумласидандир. Ўтказиладиган тажриба самарадорлигини ва унинг субъектларининг ахборот ошкоралигини таъминлашга доир фаолиятининг аҳоли томонидан баҳоланишини аниқлаш учун ижтимоий тадқиқотлар ҳам ўтказилади. Шунингдек, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича, жумладан, чет эллик экспертлар иштирокида конференциялар, семинар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Бу борада ташкил қилинадиган махсус сайтда ҳар бир одам қонун лойиҳасининг синаб кўрилиши қандай амалга оширилаётгани билан танишиши, унинг нормалари муҳокамасида қатнашиши, ОАВ вакиллари эса ҳуқуқий тажриба субъектлари фаолияти хусусида ахборот материалларини бемалол олиши мумкин.

Ҳуқуқий тажриба самарадорлигини таъминлаш учун уни ўтказиш бўйича ишчи комиссиядан ташқари, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларида шундай ишчи гуруҳлар ташкил этилади. Тажриба давомида олинган натижалар таҳлили асосида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

Ишчи комиссия йиғилишида муҳокама якунлари бўйича «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунни синовдан ўтказиш вазифаларини амалга оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш борасида принципиал ислоҳотлар рўёбга чиқарилди. Биринчи навбатда, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга оид ҳуқуқий асослар яратилди ҳамда изчил такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ифода этувчи ҳамда уларнинг ҳимоясини таъминлашга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларига оид универсал ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинди. Чунончи, бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ 20 га яқин халқаро шартнома ва конвенциялар иштирокчиси ҳисобланади.



салалардан бири, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботи саналади. Унда алоҳида қайд этилганидек, бугун юртимизда "ўзбек модели" асосида рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар мажмуи аҳолининг реал даромадларини ошириш, халқимиз

# Аҳоли фаровонлигини юксалтириш — устувор мақсад

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий, институционал ислоҳотлар рўёбга чиқарилди, юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ этиш, жазолаш органидан қонунларнинг қатъий ижро қилинишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли муҳофазасини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳисоботида ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилиб берилган. Энг муҳими, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

**Баҳром МАМАЖОНОВ,**
**Жиззах давлат педагогика институтининг "Умумий математика" кафедраси доценти, сенатор:**

— Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз бугун инсон ва унинг манфаатлари устувор бўлган кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан изчил бормоқда. Айниқса, фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, хусусан, Конституциямизда белгиланганидек, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга устувор аҳамият берилмоқда. Бош прокурор ҳисоботида келтириб ўтилганидек, аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, касбга ўқитиш ва иш шароитини яхшилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш борасида маҳаллий ҳокимликлар ҳамда бошқа мутасадди идоралар томонидан муайян ишлар амалга оширилаётир. Лекин прокурор назорати тадбирлари давомида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан меҳнат ҳуқуқлари ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қонунчилик ижроси талаб даражасида ташкил этилмаганлиги таъкидланди. Истиқболда бу борадаги қонунчилик талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигига эътиборни кучайтириш талаб қилинади.

**Дилором ЭСОНБОЕВА,**
**Наманган вилоятидаги Учкўрғон педагогика коллежи директори, сенатор:**

— Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, ўтган даврда Омбудсман Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда самарали фаолият олиб борганининг гувоҳи бўлдик. Омбудсман фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича мониторинг текширувларини ўтказиш, шунингдек, инсоннинг бузилган ҳуқуқ ҳамда эркинликлари тўғрисидаги фуқаролар шикоятлари ва мурожаатларини кўриб чиқиш, уларни тиклаш юзасидан қонуний чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Омбудсманнинг инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашдаги саъй-ҳаракатларини янада кучайтириш, жойларда қонунлар тарғиботини изчил юритиш, пировардида аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ушбу жараёнда кенг жамоатчиликнинг ҳам фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

**Қурокбой ЭРГАШЕВ,**
**Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси:**

— Ялпи мажлисда кўриб чиқилган масалалар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шундай маfаровонлигини юксалтириш, иқтисодиёт тармоқларини изчил тараққий топтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ҳисоб палатаси томонидан "Бюджет тизими тўғрисида"ги Қонун талабларини ижро этиш мақсадида изчил ишлар олиб борилмоқда. Даромадлар тўлиқ тушиши, бюджетдан ташқари фондлар маблағларининг мақсадли, манзилли ва самарали фойдаланилиши назоратга олинган. Маҳаллий бюджетлар даромад базасини ошириш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича кўрилган чоралар натижаси жойларга бориб ўрганилган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда бюджет интизомини қатъий ўрнатиш, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

**Гулчеҳра САТТОРОВА,**
**Кармана туманидаги 4-умумтаълим мактаби директори, сенатор:**

— Адлия вазирининг 2012 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти сенаторлар томонидан атрофлича муҳокама қилинганини алоҳида қайд этишни истардим. Зотан, ҳуқуқий демократик давлат ва жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, энг аввало, давлат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун устуворлиги таъминланишига бевосита боғлиқ. Бу борада Адлия вазирлиги томонидан давлат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчилик нормаларини нотўғри, турлича, хато талқин қилиш ва қўллаш каби ҳолатларни аниқлаш, уларнинг асл келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва бартараф этиш юзасидан қилинган ишлар диққатга сазовор. Шу ўринда, адлия вазирининг ахборотида кўтарилган қонунчилик талабларига риоя қилиш масаласига ҳар бир давлат идорасининг раҳбарлари жиддий эътибор қаратишлари лозимлигини, бу борада масъулиятни ўз зиммаларига олишларини ва тизимли идоравий назорат ўрнатишлари зарурлигини таъкидламоқчиман. Унутмаслигимиз керакки, қонун ҳужжатларини қабул қилиш асосий масала, лекин уларнинг мазмун-моҳияти қай даражада ўзлаштирилаяпти ва амалда қандай татбиқ этилаяпти, бу борада қандай камчиликларга йўл қўйилди-ю, қандай оқибатлар келиб чиқди, уларнинг олдини олиш юзасидан қандай чоралар кўриш лозим, деган ҳақли саволларга ҳар биримиз кундалик фаолиятимизда эътибор қаратишимиз даркор.

**Бахтиёр ХАЛИМБЕТОВ,**
**Гурлан туманидаги "Истиқлол Самар" фермер хўжалиги раҳбари, сенатор:**

— Сенат ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти ҳам атрофлича муҳокама этилди. Дарҳақиқат, бугун дунё миқёсида атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш устувор вазифага айланмоқда. Ўзбекистонда ҳам экологик муҳитни яхшилаш бўйича изчил чоралар кўрилаётир. Чунончи, ўтган йили автотранспорт воситаларини газ ёқилғисига ўтказиш ҳисобига ҳаракатланувчи манбалардан ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига чиқариш 25,8 минг тоннa қисқаришига эришилди. Қолаверса, саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, экологик тоза ҳамда энергия тежайдиган манбаларни иқтисодиётнинг барча жабҳаларига кенг жорий этиш бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда.

**Қобил ХИДИРОВ,**
**Зиёда АШУРОВА**
**ёзиб олди.**

# Кенг имтиёз ва ишончли меҳнат муҳофазаси

## бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг муҳим кўрсаткичидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари етакчиларининг I Республика Форумида ана шу янгиликлар ҳамда амалга киритилган жамоа шартномалари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Чунончи, жамоа шартномаси асосида нафақат ходимлар, балки уларнинг оила аъзолари ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилди. Хусусан, хотин-қизлар учун қўшимча таътилдан фойдаланиш, ёш оилаларга фоизсиз ссудалар бериш, ёш болали оналарга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжи бор оилалар фарзандларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш имконияти кенгайди.

Форум доирасида "Максам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти ва "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси касаба уюшмаларининг ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини ташкил этиш борасидаги тажрибаси ҳам кенг ўрганилди.

Тадбир иштирокчилари Тошкент иссиқлик электр станцияси ҳамда "Ўзкабель" очиқ акциядорлик жамиятида бўлиб, улардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклик асосидаги фаолияти билан танишдилар.

Якунда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича дастур ва Форум резолюцияси қабул қилинди.

**М. ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби.**

# Шижоатли, иқтидорли, ташаббускор

*Мамлакатимизда ёш авлодни юксак билимли ва етук кадрлар қилиб тарбиялаш, иқтидор ҳамда истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

## БИЗ — БИР ЖАМОА, БИЗ — БИР ОИЛАМИЗ

Чунончи, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси, Конрад Аденауэр фонди ҳамкорлигида ўтказилаётган "Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз" шиори остидаги ёшлар акцияси бунга яққол мисолдир.

Куни кеча "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва "Ҳаёт учун" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси томонидан Гулистон шаҳрида ана шундай ижтимоий акция ўтказилди. Акция доирасида ташкил этилган "Дилемма" баҳс-мунозара тренинги, "Бўш иш ўринлари ярмаркаси", хорижий тилларни ўрганиш ҳамда ахборот технологиялар мактаблари тақдимоти, интернет журналистикаси бўйича семинар-тренинглар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

* * *

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва иқтидорли йигит-қизларни кашф этиш мақсадида уюштирилган "Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз" акцияси Жиззах вилоятида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

Унинг доирасида ёшлар ташаббуслари форуми, "Ҳаёт учун" оилавий хайрия марафони, "Соғлом ёшлар", "Веб-дастурчилар мактаби", "Интернет журналистикаси тараққиёти" акциялари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## ФАХР

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари тингловчиларининг навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.*




Асқар ЁҚУБОВ олган сурат.

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ

Ушбу тантанали маросимда ИИВ масъул ходимлари ва фахрийлари, курсантларнинг ота-оналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов, ИИВ академияси бошлиғи, полковник Ш. Икромов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистонда тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ва жиноятчиликка қарши юқори самарали тизим фаолият кўрсатмоқда. Бу борада Марказий Осиёда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлайдиган йирик олий таълим муассасаларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси муҳим ўрин тутади. Бу ерда тергов, тезкор-қидирув, эксперт-криминалистика соҳалари, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

ИИВ академиясида курсантлар чуқур билим ва касб кўникмаларини эгаллаши учун барча зарур шарт-шароит яратилган, кенг ва ёруғ аудиториялар, маъруза заллари, замонавий техника воситалари улар ихтиёрига берилган. Тингловчиларнинг давр талабларига мувофиқ билим олиши учун самарали фаолият кўрсатаётган 24 кафедрада ўндан ортиқ фан докторлари ва юзлаб фан номзодлари меҳнат қилмоқда. Айни пайтгача бу курсларни тингловчилар ўн еттинчи бор битириб чиқди. Бу ерда постпатруль, йўл ҳаракати хавфсизлиги, фуқароларнинг кириш ва чиқишини расмийлаштириш, ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги хизматлари учун қарийб 9 минг нафар сержант тайёрланди. Бугун олий курсларнинг аксарият битирувчилари иш жойларида ўз хизмат вазифаларини муваффақиятли бажармоқда.

— Бугун менинг ҳаётимдаги унутилмас кун, — дейди битирувчи сержант Н. Саидов. — Ички ишлар органлари ходими сифатида менга билдирилган ишончни тўлиқ оқлашга ҳаракат қиламан, мамлакатимиз Конституциясини муқаддас билиб, иш фаолиятимда унга қатъий риоя этаман.

**Р. БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

## АНЖУМАН

*Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари журналистларининг марказий нашрларда малакасини оширишга бағишланган лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.*

# Журналистлар малака оширди

Унга биноан, яқинда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятида фаолият олиб бораётган 20 нафар журналист малака ошириш имконига эга бўлди.

Тадбир доирасида марказий нашрлар, ахборот агентликлари, интернет порталларида ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Хусусан, парламент қуйи палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари иштирокида ташкил этилган "ОАВ фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг долзарб масалалари" мавзуидаги давра суҳбатида соҳа қонунчилиги, миллий матбуот сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатлар матбуоти эришган талаб ҳамда мезонлар даражасига кўтариш учун имконият ва шарт-шароитлар яратиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

— Иштирокчилар "Обод турмуш йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган республика илмий-амалий семинари ва маҳоратли журналистлар иштирокидаги тадбирларда назарий билимларини мустаҳкамладилар, — дейди Жамоат фонди етакчи мутахассиси Мирвоҳид Миркомилов. — Айни чоғда улар бир қатор газеталар таҳририятлари, республикамиздаги етакчи ахборот агентликлари, "UzReport.com" интернет портали каби медиатузилмалар орқали миллий матбуотимиз эришган ютуқлар билан танишишди. Хусусан, пойтахтдаги босма оммавий ахборот воситаларида шаклланган ижодий ёндашувлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлишди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди молиявий кўмагида амалга оширилмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ҳудудий маҳсулотлар кўргазмаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ушбу анъанавий ярмарка маҳсулотларимизни реклама қилиш баробарида, уларни мижозларга сотиш бўйича катта бозор вазифасини ҳам ўтаяпти, — дейди Янгиариқ туманидаги "Даврyғ" хусусий фирмаси раҳбари Йўлдош Рўзметов. — Айни пайтда корхонамизда ўнлаб турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Ярмаркада фаол иштирок этиб, 331 миллион сўмликдан ортиқ 25 та шартнома имзолашга муваффақ бўлдик.

Ҳудудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 12 та номинация бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Янги уйлар файзи

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами ниҳоятда кенг. Айниқса, кейинги йилларда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар пишиқ-пухталиги билан алоҳида ажралиб туради. Ҳар томонлама қулай ва шинам бу уйлар нафақат қишлоқлар қиёфасига чирой бағишлаётгани, балки одамлар турмуши фаровонлашувига хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.*

## ЗАМОНАВИЙ ҚИШЛОҚ ҚИЁФАСИ

Сурхондарё вилоятида ўтган йили 680 та замонавий тураржой қуриб битказилган бўлса, жорий йилда 23 та аҳоли пунктида 810 та уй барпо этилаяпти. Бунинг учун фуқаролар томонидан 28 миллиард 458 миллион сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, воҳада қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартираётган якка тартибдаги уй-жойлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Бунга Шўрчи туманидаги ўзгаришлар ҳам яққол мисол бўла олади. Зеро, охирги бир-икки йил ичида ушбу туман ана шундай қишлоқлар ҳисобига бутунлай замонавий кўриниш касб этмоқда. Уларда яратилган шарт-шароитлар, турли шохобчалар орқали кўрсатилаётган хизматлар туман марказию шаҳарлардагидан асло қолишмайди. Айтайлик, 2010 йилда шаҳар ёнидаги Ёш ғайрат маҳалласи ҳудудида 45 та уй-жой қурилиб, ўз эгаларига топширилган эди. Биз у ерда бўлиб, уй соҳибларининг айримлари билан суҳбатлашдик.

— Тан олиш керак, қишлоғимизнинг ҳозирги қиёфасини кечагиси билан таққослаш мушкул, — дейди Румия Каримова. — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ одамларига намунавий лойиҳалар асосида шинам, кўркам ва миллий турмуш тарзимизга мос қилиб тикланаётган уйлар яшаш учун ҳар жиҳатдан қулайлиги билан кўзни қувонтиради.



Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, янги уйлардан бирини олган эдик. Мана, икки йилдирки, оиламиз билан ушбу кўркам ҳовлида яшаяпмиз.

— Янги уйларда биз, аёллар, шунингдек, болаларимиз учун барча қулайликлар яратилганлиги, айниқса, қувонарли, — дейди янги уй соҳибаларидан яна бири Салтанат Маматраҳимова. — Ошхонага ичимлик суви, табиий газ тортиб келтирилган. Ётоқхона, меҳмонхона ҳамда болалар хонаси, хуллас, яшаш учун нимаики зарур бўлса, барчаси муҳайё. Қишлоқ оиласининг тўкис ҳаёт кечиришига яна нима керак?

Туманнинг "Янгибозор" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Жойилма массивида 2012 йилда қурилиши бошланган, такомиллаштирилган лойиҳа асосидаги 40 та уй-жойнинг аксариятида ҳозирги кунда сўнгги пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Қурувчилар бу уйларни жорий йилнинг 25 апрелига қадар ўз эгаларига топширишга қарор қилишган. Шундан 10 та уй-жойни "Шўрчи тонг сабоси" хусусий корхонаси қурувчилари бунёд этишаяпти.

— Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар қурилиши бошлангунга қадар корхонамизда, бор-йўғи, 6 нафар киши меҳнат қилиб, улар фақат оддий таъмирлаш ишлари билан шуғулланишарди, — дейди мазкур корхона раҳбари Қуддусхон Насимов. — Вилоятимизда бу йўналишдаги ишлар авж олди-ю, жамоамиз сафи 70 нафар кишига етди. Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга, оз бўлса-да, ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Тўғри-да, ён-атрофда шундай бунёдкорлик жараёни кетаётган экан, қурувчи унга бефарқ қараб тура олмайди. Имкон топса, меҳнати ёки ҳеч бўлмаганда, маслаҳати билан ўз улушини қўшишга ҳаракат қилади. Биз ҳам жорий йилда шу мақсадда яна 13 та уй-жой қурилишини зиммамизга олганмиз. Тез орада уларга ўз эгалари кўчиб киришади. Насиб қилса, пишиқ ва мустаҳкам қурилган бу ҳовлиларда болалар яйраб ўйнашади. Уй соҳиблари эса тўю томошаларини шоду хуррамликда ўтказишади.

**Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Касб маҳорати ва амалиёт

*Ўзбекистон Врачлар ассоциациясининг навбатдаги кенгаш йиғилишида ташкилот фаолияти, амалга оширилган чора-тадбирлар атрофлича таҳлил қилинди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.*

## ТАДБИР

Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси бугунги кунда соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, жаҳон тиббиётидаги энг сўнгги ютуқ ва тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш, фахрий шифокорларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг касбий тажрибасини ёш мутахассислар орасида оммалаштириш, соҳада хусусий тармоқ фаолиятини ривожлантириш каби йўналишларда иш олиб бормоқда. Жумладан, кейинги йилларда ассоциация томонидан масофадан ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, тиббиёт олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Шу пайтга қадар ўнлаб талабалар ассоциациянинг махсус грант ҳамда стипендияларига сазовор бўлишди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

● Реклама ва эълонлар ●

**МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

# ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**2012/2013 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсимлашга киришилганлигини маълум қилади.**

Жорий йилда институтни тамомлаётган битирувчиларга турли корхона ва ташкилотлардан 2000 дан ортиқ буюртмалар келиб тушган. Битирувчиларни ишга тақсимлашда республикамизнинг барча ҳудудларини қамраб олиш, юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бор корхоналарнинг талабларини қондириш ва битирувчиларга тақсимот жараёнида танлаш имкониятини бериш мақсадида институт томонидан қўшимча буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда.

Бугунги кунда институтни тамомлаётган кадрларга эҳтиёжи мавжуд корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан 2013 йил 15 апрелгача институт ректоратига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реквизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда таклиф қилинаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Талабнома билан мурожаат этган корхона ва ташкилотлар танлов асосида якуний тақсимот тадбирларига таклиф қилинади.

Битирувчилар тўғрисидаги батафсил маълумот билан институт веб-сайти(http//tfi.uz)нинг битирувчилар бўлимида танишиш мумкин.

Сизнинг эътиборингизга йўналишлар бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз.

**2012/2013 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| № | Бакалавр йўналишларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича | | | | | | | | | | | | | Ҳозирги кунга қадар келиб тушган буюртмалар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сирдарё | Сурхондарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | Тошкент шаҳри | |
| 1. | Банк иши | 174 | 4 | 2 | 15 | 13 | 22 | 3 | 2 | 18 | 4 | 11 | 10 | 13 | 14 | 43 | 245 |
| 2. | Молия | 255 | 3 | 4 | 21 | 18 | 45 | 15 | 9 | 21 | 5 | 12 | 20 | 17 | 10 | 55 | 318 |
| 3. | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | 171 | 3 | 3 | 21 | 8 | 25 | 11 | 3 | 14 | 1 | 8 | 9 | 3 | 17 | 45 | 299 |
| 4. | Солиқлар ва солиққа тортиш | 125 | 1 | 1 | 9 | 8 | 12 | 8 | 2 | 10 | 2 | 7 | 11 | 2 | 12 | 40 | 126 |
| 5. | Суғурта иши | 19 | | | 3 | | | 2 | | 1 | | 3 | 2 | | 2 | 6 | 26 |
| 6. | Касб таълими (бухгалтерия ҳисоби ва аудит) | 74 | 1 | 2 | 17 | 6 | 7 | 1 | 1 | 5 | 3 | 4 | 4 | 6 | 3 | 14 | 74 |
| 7. | Менежмент | 60 | 1 | 1 | 5 | 3 | 6 | 2 | | 5 | 3 | 2 | 5 | 1 | 5 | 21 | 60 |
| 8. | Инвестицияларни молиялаштириш | 61 | 2 | 1 | 7 | 2 | | 2 | 1 | 4 | 1 | 2 | 6 | 1 | 5 | 27 | 67 |
| 9. | Молия инжиниринги | 29 | 1 | | 4 | 5 | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | 13 | 29 |
| 10. | Қимматли қоғозлар | 19 | | | 3 | | | | | | | 1 | 5 | 1 | | 9 | 19 |
| 11. | Ғазначилик иши | 51 | 1 | | 6 | 1 | 4 | 2 | | 8 | 2 | 2 | 7 | 1 | 1 | 16 | 51 |
| 12. | Бюджет ҳисоби ва назорат | 26 | | | 1 | 4 | | 3 | | 1 | 1 | 1 | 4 | 2 | 1 | 8 | 26 |
| 13. | Бизнесни бошқариш | 33 | 1 | | 3 | 2 | 2 | 2 | | 2 | 2 | 1 | 1 | 2 | 3 | 12 | 33 |
| | **Жами** | **1097** | **18** | **14** | **115** | **70** | **124** | **52** | **18** | **90** | **25** | **54** | **85** | **50** | **73** | **308** | **1373** |

**2012/2013 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

| № | Магистратура мутахассисликларининг номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот | | | | | | | | | | | | | Ҳозирги кунга қадар келиб тушган буюртмалар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Қорақалпоғистон Республикаси | Андижон | Бухоро | Жиззах | Қашқадарё | Навоий | Наманган | Самарқанд | Сирдарё | Сурхондарё | Тошкент | Фарғона | Хоразм | Тошкент шаҳри | |
| 1. | Иқтисодиёт | 38 | 2 | 1 | 3 | 2 | 3 | | | 2 | 1 | 5 | 4 | | 1 | 14 | 57 |
| 2. | Давлат молиясини бошқариш | 73 | 3 | 4 | 2 | 3 | 4 | 1 | 3 | 4 | 2 | 7 | 5 | 1 | 3 | 31 | 87 |
| 3. | Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори | 44 | 5 | 1 | 2 | 3 | 3 | 1 | 3 | | | 4 | 4 | | 1 | 17 | 46 |
| 4. | Инвестицияларни бошқариш | 35 | | | 2 | | 2 | 1 | 2 | 1 | 1 | 2 | 4 | 1 | | 19 | 40 |
| 5. | Халқаро молия | 33 | | | 4 | 3 | 3 | 2 | 1 | 1 | | | 1 | 1 | 2 | 15 | 38 |
| 6. | Банк иши | 67 | 2 | | 5 | 1 | 7 | | | 1 | | 4 | 7 | 1 | 3 | 36 | 98 |
| 7. | Банк ҳисоби ва аудит | 40 | 2 | | 6 | | 4 | | | 5 | | 1 | 4 | 3 | | 15 | 47 |
| 8. | Бухгалтерия ҳисоби | 48 | 1 | 3 | 2 | 2 | 4 | 3 | 1 | 6 | 1 | | 2 | 1 | 2 | 20 | 125 |
| 9. | Аудит | 45 | | 1 | 6 | | 9 | 1 | | | | 3 | 1 | 1 | 3 | 20 | 55 |
| 10. | Ташқи иқтисодий фаолият | 35 | 1 | 2 | | 1 | 5 | 3 | 2 | 1 | 1 | | 2 | 2 | 2 | 13 | 42 |
| 11. | Суғурта иши | 19 | | | 1 | | 3 | 2 | 1 | | 1 | 2 | 2 | | | 7 | 27 |
| 12. | Нафақа иши | 15 | 1 | | | | 1 | 1 | | | | | 1 | | 1 | 10 | 50 |
| 13. | Статистика | 16 | | | 1 | 1 | 4 | 1 | 2 | 2 | | | 1 | | | 4 | 29 |
| | **Жами** | **508** | **17** | **12** | **34** | **16** | **52** | **16** | **15** | **23** | **7** | **28** | **38** | **11** | **18** | **221** | **741** |

**Маълумотлар учун телефон: (8-371) 234-41-39, Тошкент молия институтининг маркетинг хизмати бўлими, факс: (8-371) 234-67-71.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темур шоҳкўчаси, 60-«А» уй. E-mail: urazaliyevkt@tfi.uz**

521A/294

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 6 декабрдаги 10-1014/20894-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Тарас Шевченко кўчаси, 31-уй, 33-хонадонда жойлашган, умумий майдони 50,15 кв.м. бўлган, 4 қаватли уйнинг 2-қаватида жойлашган уй-жой такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 77 580 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 24 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 22 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

520R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган, 11 яшаш хонаси, ертўла, айвон, ҳаммом, дарвозахонадан иборат, бинонинг ички ва ташқи қисмлари замонавий усулда таъмирланган 2 қаватли тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 710 997 164 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 18 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 16 апрель куни соат 18.00. Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz**

522R/1453

*Лицензия: RR-0001.*

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулк такроран қўйилмоқда: 2013 йил 22 мартдаги 8739-45/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 199,38 кв.м., яшаш майдони 86,0 кв.м. бўлган 4 хонали 16-хонадон.

***Бошланғич нархи — 69 375 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 19 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

515A/505

*Лицензия: № 0039.*

## «Buxoro mulk markazi» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Когон тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2012 йил 8 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Когон тумани суд ижрочилари бўлимида сақланаётган, «ЕТ-26-30» русумли, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами ЕЦ0976 бўлган экскаватор қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 175 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 30 апрель куни соат 18.00.

Автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Buxoro mulk markazi» МЧЖнинг «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904942748002, МФО: 00111, СТИР: 302127400.

**Манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-36. www.rmm.uz**

518R/321

***Гувоҳнома: 0000497.***

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** «Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 7 май куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда: Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2012 йил 10 майдаги 1-1524/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Парвона кўчаси, 44-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 1387 кв.м., бинонинг умумий майдони ҳозирги кунда 570 кв.м. (кадастр бўйича 662 кв.м., 92 кв.м. қисми бузиб ташланган), 18 та хона, 2 та йўлакдан иборат бўлган маъмурий бино савдога қўйилган.

***Бошланғич нархи — 100 000 000 сўм.***

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш бўйича такрорий аукцион савдоси 2013 йил 22 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

**II.** *2013 йил 17 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран савдога қўйилган:*

**1.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони.

***Бошланғич нархи — 52 756 200 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Автомажмуа, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони.

***Бошланғич нархи — 52 756 200 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 22-«В» уйда жойлашган автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси. Мажмуа 2 қаватли бинодан иборат, умумий майдони блок «Б» 1288,0 кв.м.ни ташкил қилади.

***Бошланғич нархи — 1 581 570 900 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 22-«В» уйда жойлашган автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси. Мажмуа 2 та тугалланмаган бино-иншоотдан иборат, ер майдони 1,4 гектар, фойдаланиш майдони 724,0 кв.м., шундан 269 кв.м. ўзбошимчалик билан қурилган.

***Бошланғич нархи — 1 253 862 000 сўм.***

**III.** Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 13 сентябрдаги 2-138/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, А. Қодиров кўчаси, 45-уй, 30-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 59,0 кв.м., яшаш майдони 29,75 кв.м. бўлган уй-жой арзонлаштирилган нархда такроран савдога қўйилган.

***Бошланғич нархи — 53 063 118 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

*Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.**

***Лицензия: № RR-0017.***

**БИЛДИРИШ**

«Халқ сўзи» газетасининг 2013 йил 23 март куни 56-сонида хабар қилинган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Исломобод 4-тор кўчаси, 24-уйда жойлашган уй-жойнинг аукцион савдоси Суд департаменти Суд қарорларини ижро этиш бошқармасининг 2013 йил 20 март кунидаги хатига асосан тўхтатилди.

***«Capital Realtor Group» МЧЖ маъмурияти.***

514A/105

# Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти Бокуда тақдим этилди

*Яқинда мамлакатимизнинг Озарбайжондаги дипломатик ваколатхонасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти ва икки мамлакат сайёҳлик индустрияси вакиллари ҳамкорлигини ривожлантиришнинг қулай шарт-шароитлари мавзуига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.*

## ДУНЁ НИГОҲИ

Учрашув чоғида иштирокчилар Ўзбекистонда дунё мезонларига мувофиқ равишда сайёҳликни ривожлантириш ва инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар билан атрофлича танишдилар. Ўз навбатида, юртимиз тарихи, ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олган қадимий меъморчилик ва маданий обидалар ҳақидаги маълумотлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбати доирасида Озарбайжоннинг етакчи сайёҳлик компаниялари жорий йилда Навоий вилоятида ўтказиладиган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали, шунингдек, бўлажак XIX Тошкент Халқаро сайёҳлик кўргазмаси ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишдилар.

Учрашув қатнашчилари томонидан сайёҳлик соҳасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро сайёҳлар алмашинувини янада кенгайтириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

**Озарбайжон Маданият ва сайёҳлик вазирлиги вакили, "Севгум" сайёҳлик агентлигининг бош директори Баҳадур Билалов** сайёҳликни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. "Бу йўналишда эришилган натижалар Ўзбекистоннинг саёҳатларни уюштириш ва сармоя киритиш учун муҳим мамлакат сифатидаги нуфузини мустаҳкамламоқда, — деди у. — Гўзал табиат манзаралари ҳамда кўҳна тарихга эга бўлган мамлакатингиз ҳар қандай инсонда катта қизиқиш ва завқ-шавқ уйғотишига шубҳа йўқ".

— Бугунги кунда улкан иқтисодий, инсоний ва сайёҳлик салоҳиятига, бой тарихга, маданий ҳамда маънавий меросга эгалиги сингари омиллар бутун дунё миқёсида Ўзбекистоннинг обрў-эътибори юксалиб боришига хизмат қилмоқда, — дея ўз фикрини давом эттиради Б. Билалов. — Бу заминда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, барча миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро бағрикенглик ҳамда ҳамжиҳатлик, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимияти ҳам Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасининг жадал тараққий этишида муҳим ўрин тутади.

— Касбим тақозосига кўра, Ўзбекистонга кўп маротаба борганим боис ўлкангиз мен учун иккинчи уйимдек бўлиб қолган, — деди **"Dervish Travel" сайёҳлик компанияси менежери Светлана Ҳасанова.** — Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларим чоғида юртингизда юз бераётган ўзгаришлар, бунёд этилаётган муҳташам иморатлар, мукаммаллик ва юксак маҳорат тимсоли бўлмиш қадимий меъморчилик ёдгорликларининг қайта тикланиши юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар менда катта таассурот қолдирган. Айниқса, Ўзбекистон заминининг боғ ва хиёбонлари ҳар қандай кишини ўзига маҳлиё этади.

С. Ҳасанова табаррук заминимизда Амир Темур, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Бобур сингари буюк давлат арбоблари ва алломалар яшаб ижод қилганини таъкидлар экан, "Ўзбекистон — Шарқ илм-фани ва маданияти бешиги бўлгани ҳолда, ушбу мамлакат халқи ўзининг юксак маданияти, самимияти, очиққўнгиллиги билан алоҳида ажралиб туради", деди.

**"Intour" сайёҳлик компанияси бош директори Шахин Гурбанов** қайд этганидек, маданият, анъана ҳамда урф-одатларнинг яқин ва муштараклиги Озарбайжон — Ўзбекистон алоқаларининг ривожланишида муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. "Ҳозирги пайтда икки давлатнинг сайёҳлик компаниялари сайёҳлар алмашинувини кенгайтиришга кўмаклашиш орқали мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ишида фаол қатнашмоқдалар, — деди у. — Зеро, сайёҳлик нафақат тадбиркорликнинг бир қирраси, балки мамлакатлараро ва халқаро алоқаларнинг ажралмас қисми ҳам саналади".

— Жорий йил ўтказиладиган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ҳамда Тошкент Халқаро сайёҳлик кўргазмаси бизда катта қизиқиш уйғотмоқда, чунки бундай тадбирлар Ўзбекистоннинг турли вилоятларига хос бўлган урф-одат ва анъаналарни ўрганиш, ўзбек халқ амалий санъати ҳамда дунёга донғи кетган миллий таомлари билан янада яқинроқ танишиш имконини беради, — дея ўз фикрини якунлади Ш. Гурбанов.

**«Жаҳон» АА.**
Боку



# Кўклам неъматлари

*Баҳор фаслида одамнинг арзимаган меҳнат жараёнида силласи қуриши кўп кузатилади. Сабаби, қиш давомида инсон организми ҳаётбахш моддаларга нисбатан "очиқиб" қолган бўлади. Бироқ хавотирланишга ҳожат йўқ. Бу пайтда табиатимизнинг ўзи бизга қуйидаги шифобахш неъматларни тортиқ қилади.*

**Таркибида кўплаб витаминлар, эфир мойлари, органик кислоталарни жамлаган бу кўклам неъматини шовул деб атайдилар.**

## Қўзиқулоқ

Уни мунтазам истеъмол қилганларда жигар ва ўтпуфак фаолияти яхшиланади.

Халқ табобати амалиётида қўзиқулоқ ҳаромқонликдан халос бўлиш, иштаҳани очишда тавсия этилади. Тиббиёт амалиётида у одам организмида витаминлар етишмаслиги — авитаминоз ва ундан муҳофазаланишда ишлатилади. Гиёҳ таркибида темир унсури салмоқли миқдорда бўлганлиги туфайли, уни камқонлик, юрак-қон томир тизими касалликларида ҳам қўллаш наф беради.

Баҳорда қўзиқулоқнинг мурғак найсимон баргидан турли суюқ таомлар, бўтқа тайёрлаб, баргларини сархил ҳолда тамадди этиш мумкин. У киши организмига қувват бағишлайди.

**Эрта баҳорда ялпиздан тайёрланган сомса, чучвара ва суюқ таомлар иштаҳангизни очиб, танангизга тетиклик бахш этади.**

## Ялпиз

Чунки унинг таркибида кўп миқдорда эфир мойлари ва органик кислоталар мавжуд.

Ялпиз қадим замонлардан бери халқ табобатида ишлатилиб келинади.

Абу Али ибн Сино ялпиз ёрдамида ичак оғриқларини даволаган. Уни овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, қайт қилишни қолдирувчи, дармонбахш омил сифатида тавсия этган.

Халқ табобатида ялпизнинг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволашда қўл келади.

Мутахассислар ялпиз асаб касалликларида тинчлантириш, ошқозон-ичак йўли фаолиятини яхшилаш, ҳолсизланишда, вабо ва бод касаллигида организмни мустаҳкамлаш хусусиятига эгалигини аниқлашган. Шунингдек, унда сафроўт ҳайдаш хусусияти ҳам бор. Ялпизни бавосил, ширинча, мечал касалликларида ҳам қўллаш наф беради.

Баҳор пайтида ундан тайёрланган таомлар киши организмининг касалликларга нисбатан курашувчанлик қобилиятини оширади, дармон бағишлаб, кайфиятни кўтаради.

**Доно ХЎЖАЕВА,**
**олий тоифадаги доришунос.**

Ўзбек давлат драма театри жамоаси театр раҳбари **Саидамин Саидкаримович АҲРОРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Меҳрдан боғлар яшнайди

*Бунёдкорлик, ободонлаштириш ва боғ яратиш халқимизга хос азалий қадриятлардан ҳисобланади. Шу боис ҳам истиқлол йилларида бу анъанага бўлган эътибор янада кучайди. Буни шу кунларда республикамиз бўйлаб ўтказилаётган ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ойликлари доирасида миллионлаб манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда гул кўчатлари ўтқазилиб, обод манзиллар тобора кўпаяётганлиги мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*

## 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

Жумладан, Самарқанд вилоятида бу ойликлар доирасида "Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига — 22 туп кўчат" шиори остида кўплаб хайрли ишларга қўл урилмоқда. Вилоят марказий ўрмон хўжалигининг бу борадаги хизматлари, айниқса, таҳсинга лойиқ. Зеро, шу пайтгача мазкур хўжаликнинг туман ва шаҳар бўлимлари, ишлаб чиқариш участкаларида етиштирилган 4,2 миллион тупдан зиёд мевали ва манзарали кўчатларнинг асосий қисми вилоятдаги ташкилот, корхона ҳамда муассасаларга етказиб берилди. Айни чоғда ўрмон хўжалигининг Шарқ арчаси, каштан, япон софораси, элдор қарағайи, терак ва тол каби манзарали, ўрик, шафтоли, ёнғоқ сингари мевали дарахт ниҳоллари маҳалла ҳамда гузарлар, йўлу хиёбонларга экилмоқда.

— Сифатли кўчат излаб, бошқа жойга боришга ҳожат йўқ, — дейди вилоят марказий ўрмон хўжалиги бош директори Ҳусан Абдуллаев. — Бунинг учун хўжаликнинг жойлардаги бўлимларига мурожаат қилинса, бас. Вилоятимизнинг Жомбой, Тайлоқ, Пастдарғом, Оқдарё, Каттақўрғон, Нарпай ва Иштихон туманлари аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида эса Катта Ўзбек трактига яқин жойларда 31 турдаги мевали ва манзарали дарахт кўчатлари савдоси йўлга қўйилди. Шу ўринда яна бир қулайлик тўғрисида айтиш зарур. Яъни биз кўчатларимизнинг кейинги тақдири билан ҳам қизиқамиз. Аниқроғи, ҳозирги пайтда 400 нафар ходимимиз жойларда экилган кўчатлар парвариши билан мунтазам шуғулланмоқда.

— "Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига — 22 туп кўчат" шиори остида бошланган хайрли тадбир доирасида вилоятдаги тижорат банклари ходимлари Самарқанд эшкак эшиш канали ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишларини бошлаб юборишди, — дейди Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қаюм Собиров. — Шу пайтгача канал ҳудудида 4,5 минг туп шамшод тераги, 322 туп Қрим қарағайи, минг туп қора арча сингари манзарали ва бошқа турли мевали дарахт кўчатлари қадалди. Шу билан бирга, турфа гуллар ҳам экилди.

Бугунги кунда вилоятнинг барча ташкилот, корхона ва муассасалари, маҳаллалар, кўча ҳамда йўллар атрофидаги бўш ерларга мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилиб, меҳр билан парваришланмоқда.

Наманган вилояти ёшлари "Эккан ниҳолим билан бирга улғаяман!" шиори остида меҳнат қилаётган бўлсалар, касаба уюшмалари ташкилотлари махсус боғлар яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари доирасида туманимиздаги иккита умумтаълим мактаби ҳамда битта мактабгача таълим муассасасида касаба уюшма боғларига асос солинди, — дейди касаба уюшмалари Поп тумани кенгаши раиси Дилшод Деҳқонов. — Бунинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, болалар кўчат экиш жараёнида табиатга алоҳида меҳр-муҳаббат ҳиссини туяди ва натижада экологик маданияти юксак инсонлар бўлиб камолга етишади.

Шу сингари касаба уюшмалари боғлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида яратилиб, 15 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари экилди.

Наманган туманида ҳар бир киши 22 тупдан кўчат экиш ташаббуси билан чиқди. Натижада баҳорги экиш мавсуми бошланганидан буён 217 минг туп манзарали, 41,7 мингдан зиёд мевали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, яшил майдонлар янада кўпайтирилди.

Умуман олганда, вилоят бўйича 11 миллион тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ҳамда гуллар экилиб, бу борадаги режа ортиғи билан бажарилди. Бугун вилоятдаги маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари ён-атрофига ўзгача гўзаллик бағишлаб турган бу кўкаламзор майдонларни кўрган киши борки, улардан завқу шавқ олиши, шубҳасиз.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари жойларда изчил давом эттирилмоқда.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Пойгачилар беллашуви

*Жиззахдаги Наврўзбулоқ трассасида автокросс бўйича Ўзбекистон чемпионатининг биринчи босқичи бўлиб ўтди.*

## СПОРТ

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур мусобақада 58 нафар спортчи 4 русумдаги автомобилларда совринли ўринлар учун баҳс олиб борди.

Унга кўра, "Багги" русумидаги машиналар пойгасида мезбонлар вакили Файрат Одилов ғолибликка эришди. Самарқандлик Шуҳрат Обиджонов ҳамда Салоҳиддин Асимов иккинчи ва учинчи ўринларни банд этди.

"А-7" ва "А-8" русумли автоуловларда кечган беллашувларда пойтахтлик Марат Дусанов ҳамда Ростислав Беляковга тенг келадиган рақиб топилмади.

"Нексия" русумидаги автомобиллар баҳсида эса жиззахлик Бекзод Одилов маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобида Жиззах вилояти спортчилари биринчи бўлди. Самарқанд вилоятининг "Самарқанд — 1" ва Тошкент шаҳри жамоалари кейинги поғоналардан жой олди.

**Улуғбек АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

ДИҚҚАТ, ФЕСТИВАЛЬ!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Terra Group» компанияси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси билан ҳамкорликда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ҳамда ҳаваскор санъаткорлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «МАРДИ МАЙДОН!» фестивали учун аризаларни қабул қилади.

Фестиваль йўналишлари:
— эстрада;
— анъанавий ижрочилик;
— академик вокал.

Фестивалнинг асосий шарти: қўшиқлар фақат жонли ижрода айтилади.

Фестивалнинг асосий мезони: қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матнининг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ва ижро услубидир.

Фестиваль лауреатлари 2013 йил охирида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан ҳамда www.uzbeknavo.uz интернет-сайтидан олиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар:
(8-371) 234-52-90, 235-52-80.

519А/320

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ УЧУН ТЎЛОВДА ЯНГИЛИК: ҚУЛАЙ, ИШОНЧЛИ ВА ТЕЗ!

Бугун замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Шунга монанд равишда электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам кун сайин ўсаяпти. Натижада технологиялар тараққиёти изчил кучайиб, инсон учун кўплаб қулайликлар яратилаётир. Бир эслаб кўринг: ахир яқин-яқингача ҳам мобиль телефонидан фақатгина сўзлашиш учун фойдаланмасмидик?! Кейинчалик у орқали фотосуратга олиш, сўнгра видеотасвирга тушириш имкониятлари пайдо бўлди. 3G ва 4G форматдаги мобиль интернет яратилгач эса, уйдан чиқмаган ҳолда, бу фото ва видеотасвирларни дунёнинг исталган ерига жўнатиш имкониятига эга бўлдик. У бизнинг кундалик ҳаётимизга шу қадар сингиб кетдики, бугун ушбу алоқа воситасисиз бир кунимизни ҳам тасаввур қилолмаймиз. Ҳар қандай ишимизни мобиль телефони ёрдамида бажаришга одатланиб бўлдик. Тўғри-да, бу анча қулай, қолаверса, энг қимматли бойлигимиз — вақтни тежаш учун ҳам яхши имкониятдир. Қувонарлиси, аҳоли учун бундай қулайликлар яратишга «Ўзбекэнерго» ДАК ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Хусусан, истеъмолчилар компания томонидан ишлаб чиқилган «Электр ҳисоб» дастуридан бемалол фойдаланишлари учун уни кенг миқёсда қўллаш ишлари бошлаб юборилган. Бунинг нималигини биласизми? Йўқ дейсизми?! Келинг, унда бир оз ортга назар ташласак: электр энергияси учун тўловни қандай амалга оширардингиз? Қанча вақт сарфлардингиз? Электр ҳақини тўлаш учун ғазна олдида тик оёқда навбатда турармидингиз? Қишнинг совуғию ёзнинг иссиғида ёниб турган чироғингиз ўчиб қолмаслиги учун қанча йўлни босиб борардингиз? Қаранг, ўзимиз сезмаган ҳолда ортиқча вақт сарфлаб, мана шундай юмушларни доимий равишда бажариб юрганмиз. Бу ҳам етмагандек, чироқ ўчиб қолса, кайфиятимизнинг тушганию қанчадан-қанча асаб толаларимизнинг узилганини айтмайсизми?! Энди-чи? «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан ишлаб чиқилган мазкур дастур бу борада сизу бизга жуда катта қулайликлар яратди.

Келинг, яхшиси дастурнинг имкониятларини бир санаб чиқамиз. Агар сиз "Электр ҳисоб" дастуридан фойдалансангиз:
— юртимизнинг хоҳлаган жойидан туриб сарфланган электр энергияси учун тўловингизни амалга ошира оласиз;
— тўловни амалга ошириш учун ўзингизга қулай усулни (банк тизимларида, почта бўлинмаларида, SMS-тўлов усулида, шунингдек, PAYNET тизимларида) танлайсиз;
— электр энергияси учун тўланган маблағ ҳисобингизга тушганини SMS орқали билишингиз мумкин;
— электр энергияси учун тўлов ҳужжатларини тўлдиришга кетадиган вақтингизни тежайсиз;
— электр энергияси истеъмоли учун қанча маблағ сарфлаганингизни ва ҳисобингизда қолган маблағни бемалол назорат қила оласиз;
— бир кунликдан то бир неча ойликкача бўлган электр энергияси сарфини билишингиз мумкин;
— ONLINE тартибида тўловни амалга ошириш имкониятига эга бўласиз;
— ўзингизни қизиқтирган ҳар қандай маълумотни ONLINE тартибида олиш имконияти мавжуд;
— вақтинчалик тармоқдан ўчириш гуруҳини чақиришингиз мумкин;
— таъмирлаш гуруҳини чақиришингиз мумкин;
— энг асосийси, электр таъминоти корхонаси ҳамда истеъмолчиси ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларнинг шаффофлиги таъминланади.

Эслатма: Хизматдан фойдаланиш учун www.uzbekenergo.uz сайтида шахсий кабинетдан рўйхатдан ўтиш лозим бўлади. Бу эса сизга яна қўшимча имкониятлар яратади.

Хизматдан фойдаланиш жуда оддий: яъни мобиль телефонга PAYNET тизими орқали тўлов қандай амалга оширилса, электр энергияси истеъмоли учун ҳам худди шундай амал бажарилади. Сиздан ҳеч қандай қўшимча тўлов талаб қилинмайди. Ушбу хизматлар учун мобиль операторингиз томонидан SMS-тўлов усулида белгиланган суммани тўлаш билан кифояланасиз.

Энг муҳими, вақтни тежайсиз, ортиқча маблағ сарфидан ва алданишдан сақланасиз. Янада тўлиқ имкониятлардан фойдаланишни хоҳласангиз, интернет орқали шахсий кабинетингизга кириб (мукаммал ҳимояланган тизим), ҳисобингизни ҳамда электр энергияси истеъмолини назорат қилиб, яратилган бошқа имкониятлардан ҳам фойдаланишингиз мумкин.

Бунинг учун, бор-йўғи, бир мартагина телефон рақамини рўйхатдан ўтказиб олсангиз кифоя. Ундан кейин сиз электр энергияси истеъмоли учун ҳисоб рақамингизни тўлиқ назорат қилиш ва бошқариш имкониятига эга бўласиз.

Қўшимча маълумотлар олиш учун
www.uzbekenergo.uz
сайтидан фойдаланишингиз мумкин.

Тизимнинг схематик кўриниши




Маълумотларни SMS тарзида қабул қилиш




Тўлов қабул қилиш тизимлари ва ўзаро алоқа




Интернет орқали маълумот олиш




459Р/240

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 01.30 1 2 3 4 5